

Ҳ У К М
Ўзбекистон Республикаси номидан

2023 йил 13 июль

Қува тумани.

Жиноят ишлари бўйича Қува тумани суди,
раислик қилувчи З.Омонов,
судья ёрдамчиси И.Усмоновнинг котиблигида,
тарафлардан Қува тумани прокурор ёрдамчиси Ҳ.Комилжонов,
судланувчининг ҳимоячиси – адвокат Д.Рустамова қатнашувида,
Ўзбекистон Республикаси ЖК 270-моддаси 1-қисми билан айбланган,

Қодиров Хусанбой Жалилович (Qodirov Xusanboy Jalilovich), 1969 йил 25 март куни Қува туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, икки нафар фарзандлари бор, муқаддам судланмаган, Қува тумани ҳокимлигига қарашли Ободонлаштириш бошқармасида ишчи, Қува тумани, Толмозор МФЙ, Толмозор кўчаси 175-уйда яшайди, иш бўйича “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2023 йил 26 июнь куни олганга,

оид 1-1511-2301/227-сонли жиноят ишини ўз биносида, очиқ суд мажлисида кўриб чиқди.

Суд судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувини тинглаб, тарафларнинг музокараси ва судланувчининг охириги сўзини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб ва ишда мавжуд далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи Қодиров Хусанбой, таркибида гиёҳвандлик воситалари бўлган экинларни қонунга хилоф равишда етиштириб, агротехник ишлов бериб, уларни парваришлаган.

Жумладан, 2023 йил 6 июнь куни Қува тумани ИИБ ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда, судланувчи Х.Қодиров ўзининг Қува тумани, Толмозор МФЙ, Толмозор кўчаси 175-сонли уйи томорқасида 12 туп “кўкнори” гиёҳвандлик ўсимликларини экиб, уларга агротехник ишлов бериб, суғориб парваришлагани аниқланган ва ўсимликлардан намуналар ҳолислар иштирокида ашёвий далил тариқасида олинган.

Суд-кимёвий экспертизасининг 2023 йил 6 июнь кунги 682-сонли хулосасида, Х.Қодировнинг уйи томорқасидан топилган 12 туп ўсимликлар таркибида таркибида опий гуруҳига мансуб бўлган гиёҳванд алколоидлар – морфин, кодеин ва тебаин мавжуд бўлиб, булар “кўкнори” ўсимликлари экани аниқланган.



Қува тумани қишлоқ хўжалиги бўлими мутахассисининг хулосасида, Х.Қодиров уйининг 1м² ер майдонидаги 12 туп “кўкнори” гиёҳвандлик ўсимликларига агротехник ишлов берилиб, парваришлангани кўрсатилган.

Судланувчи Қодиров Хусанбой судда ўзига эълон қилинган айбловга тўлиқ иқрор бўлиб, 2023 йил апрель ойида уйининг томорқасида “кўкнори” ўсиб турганини кўргани ва уларни дориликка ишлатишни ўйлаб, ўсимликларни юлиб ташламасдан, вақти-вақти билан тагини тозалаб, сув қуйиб тургани, 2023 йил 6 июнь куни уйига ИИБ ходимлари холислар билан келишиб, томорқасида ўсиб турган 12 туп “кўкнори” ўсимликларини топишиб, уларни холислар иштирокида ашёвий далил тариқасида олишгани, ўзи “кўкнори”ни дориликка парваришлагани, оиласидан ҳеч ким гиёҳвандлик воситаси истеъмол қилмаслиги, ҳозирда ўзи “сурункали простатит” касаллигига чалингани, содир этган қилмишидан қаттиқ пушаймонлигини баён этиб, суддан унга енгиллик беришни илтимос қилди.

Гувоҳ Каримов Абдулхай судда берган кўрсатувида, 2023 йил 6 июнь куни Қува тумани ИИБ ходимлари томонидан Қува тумани, Толмозор МФЙ, Толмозор кўчаси 175-уйда ўтказилган тадбирда холис тариқасида иштирок этгани, ИИБ ходимлари қўшниси Х.Қодировнинг уйи томорқасида 12 туп “кўкнори” гиёҳвандлик ўсимликлари экиб парваришланганини аниқлашиб, улардан намуналар олиб, қолганини ёқиб йўқ қилишгани ва бу ҳақда ҳужжатлар тузишганини баён этди.

Судланувчи Х.Қодировнинг юқоридаги жиноятни содир этганликдаги айби баён этилганлардан ташқари, судда ўқиб эшиттириб текширилган гувоҳ А.Матмусаевнинг дастлабки терговдаги кўрсатуви билан, шунингдек, жиноят ишида мавжуд билдирги, уй ҳовлисини кўздан кечириш баённомаси ва унга илова фотосуратлар, ашёвий далилларни олиш баённомаси, Қува тумани қишлоқ хўжалиги бўлими мутахассисининг хулосаси, суд-кимёвий экспертизасининг 2023 йил 6 июндаги 682-сонли ва суд-наркологик экспертизасининг 2023 йил 13 июнь кунги 406-сонли хулосалари билан тўлиқ тасдиғини топган.

Суд, тергов органи томонидан судланувчи Х.Қодировнинг жинойи қилмиши Жиноят кодекси 270-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди. Чунки, Х.Қодиров экин ер майдонига тақиқланган экинларни, яъни таркибида опий гуруҳига мансуб бўлган гиёҳванд алколоидлар – морфин, кодеин ва тебаин мавжуд бўлган, “кўкнори” ўсимлигини етиштириб, уни парваришлаган.

Суд, судланувчи Х.Қодировга жазо тури ва унинг миқдорини тайинлашда, унинг айбига тўлиқ иқрор ва ундан пушаймонлиги, қарамоғида икки нафар фарзандлари борлиги, муқаддам судланмаганини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, унга озодликни чеклаш жазоси тайинлашни ва жазонинг таъсирини ошириш мақсадида, унинг зиммасига қўшимча тақиқлар юклашни;



-шунингдек, иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган ва жиноят ишида конвертда сақланаётган “кўкнори” гиёҳвандлик ўсимлиги намуналарини йўқ қилишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 454-457, 460, 462-463, 465-468 ва 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И :

Қодиров Хусанбой Жалилович (Qodirov Xusanboy Jalilovich) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 270-моддаси 1-қисми билан айбли деб топилсин.

Судланувчи Қодиров Хусанбой Жалиловичга Жиноят кодекси 270-моддаси 1-қисми билан яшаш жойи - Қува тумани, Толмозор МФЙ, Толмозор кўчаси 175-уйни у ёки бу сабаб билан сутканинг соат 20⁰⁰дан 06⁰⁰га қадар тарк этишни тақиқлаб, 2 йил озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Х.Қодировга қуйидаги қўшимча тақиқлар юклансин:

-Қува тумани ИИБ розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик;

-алкоголли ичимликлар ва гиёҳвандлик воситалар истеъмол қилмаслик;

-Фарғона вилояти ҳудудидан чиқмаслик.

Тайинланган жазони ижро этиш Қува тумани ИИБ пробация бўлимига юклатилсин. Жазони ўташ муддати маҳкум пробация бўлими томонидан ҳисобга олинган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи Х.Қодировга қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Ашёвий далил, жиноят ишида бир дона конвертда сақланаётган “кўкнори” гиёҳвандлик ўсимлиги намунаси йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози томон ҳукм эълон қилинган, судланувчи ҳукм нусхасини олгач йигирма сутка ичида шу суд орқали Фарғона вилоят судига апелляция тартибида шикоят, прокурор эса протест келтиришга ҳақли.

Раислик қилувчи :

З.Омонов

